

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМий-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

РАХИМОВ ТОЖИДИН АБДУНУМАНОВИЧ

АЙРИМ ҒЎЗА КАСАЛЛИКЛАРИГА БАРДОШЛИЛИККА УМУМИЙ ВА
(+)-ГОССИПОЛ МИҚДОРИНИНГ ТАЪСИРИ

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

**Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Рахимов Тождин Абдунўмонович

Айрим ғўза касалликларига бардошлиликка умумий ва

(+)-госсипол микдорининг таъсири.....3

Рахимов Тождин Абдунуманович

Влияние количества общего и (+)-госсипола к толерантности

на некоторые болезни хлопчатника.....21

Rakhimov Tojidin Abdunumanovich

The influence of quantity of total and (+)-gossypol on tolerances

to different cotton diseases39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМий-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

РАХИМОВ ТОЖИДИН АБДУНУМАНОВИЧ

АЙРИМ ҒЎЗА КАСАЛЛИКЛАРИГА БАРДОШЛИЛИККА УМУМИЙ ВА
(+)-ГОССИПОЛ МИҚДОРНИНГ ТАЪСИРИ

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2018.1.PhD/Qx179 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.agrar.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Намазов Шадман Эргашевич

қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нариманов Абдуажилли Абдусаматович

қишлоқ хўжалик фанлари доктори

Ризаева Сафия Мамедовна

биология фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот:

Ўсимликшунослик илмий – тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «26» июн соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 700140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (535259 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 700140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2018 йил «9» июнда тарқатилди.
(2018 йил «19» майдаги 22.2 рақамли реестр баённомаси)

Б.А.Сулаймонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик.

Я.Х.Юлдашов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к/х.ф.н., доцент.

М.М.Адилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда, дунёда турли экологик муаммоларнинг юзага келиши ва касалликларнинг янги ирқларини пайдо бўлиши қишлоқ хўжалик экинларига ҳам салбий таъсир этиб, ҳосилнинг маълум бир қисмини йўқотилишига ҳамда сифатини пасайишига олиб келмоқда. Статистик маълумотларга асосан, ҳар йили дунёда ғўзада ниҳол касалликлари ҳисобига 22,6 % ва гоммоз касаллигидан 9,8 % пахта ҳосили йўқотилади¹. Шунинг учун, ғўза коллекциясидаги маҳаллий ва хорижий намуналарни дурагайлашга жалб қилиш асосида касалликларга табиий бардошли бўлган янги ғўза навларини яратиш тақозо этилади.

Жаҳонда пахтачиликни ривожлантириш борасида кенг кўламли изланишлар олиб борилиб, ғўзанинг экин майдонларини кенгайтирмаган ҳолда ундан олинадиган ҳосил миқдорини ошириш ва сифатини яхшилаш билан бир қаторда, госсиполсиз ва зарарсиз (+)-госсипол шаклига эга ғўза навларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ғўза селекциясида тезпишар, серҳосил, госсиполсиз ва чигити таркибида госсиполнинг зарарсиз шаклига эга бўлган янги навларни яратиш борасида амалга оширилган илмий изланишлар асосида муҳим натижаларга эришилган.

Республикамызда ғўза ниҳолларини касалликлардан химоя қилиш мақсадида ҳар йили ўрта ҳисобда экиш учун тайёрланадиган 35,1 минг тонна уруғлик чигитни дорилашда 6,1 миллиард сўмлик турли фунгицидлар сарфланмоқда. Шу сабабли, чигити таркибида (+)-госсипол миқдори юқори, қимматли хўжалик белгилари бўйича ҳозирда ишлаб чиқаришда экилаётган навлардан устун бўлган, ҳамда қора илдиз чириш, илдиз чириш ва гоммоз касалликларига табиий бардошли ғўза навларини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун, эколого-географик ва генетик узок ғўза дурагайлари чигити таркибидаги (+)-госсипол миқдори билан ғўза касалликларига бардошлиликнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш; дурагай авлодларда касалликка бардошли шаклларнинг пайдо бўлиш табиатини ўрганиш; дурагайлар ичидан чигит таркибидаги (+)-госсипол миқдори юқори, касалликларга бардошли ҳамда ижобий хўжалик белгиларига эга бўлган селекцион ашёларни ажратиб олиш ва уларни амалий селекция жараёнига тавсия этиш ушбу муаммоларни ечишнинг асосий йўлларида ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси» давлат дастурида «...касаллик ва зараркунандаларга бардошли, тупроқ-иклим шароитларига мос, қишлоқ хўжалик экинларининг янги селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқотлар ишларини кенгайтириш» долзарб аҳамият касб этиши қайд этилган².

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августдаги 395-II-сон «Уруғчилик тўғрисида»ги ва 30 августдаги «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги

¹www.fao.org

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони

ПҚ-2460-сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 3 февралдаги ПҚ-2756-сон «Ўзани навлар бўйича жойлаштириш ва пахта структурасининг прогноз хажмлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V.«Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўза ўсимлиги органларида госсипол миқдорини аниқлаш, ўзанинг госсиполсиз ва (+)-госсипол миқдори юқори селекцион ашёларини яратиш ҳамда *Rhizactonia solani*, *Thielaviopsis basicola*, *Xanthomonas malvacearum* касалликларига бардошлилигини ўрганиш борасида хорижлик олимлар Stipanovic R.D., Bell A.A., Ziehr. M.S., Beil G.M., Atkins R.E., Blackstaffe. L., Shelley M.D., Fish R.G., Lukefahr et al. шунингдек, республикамиз олимлари С.Содиқов, С.Раҳмонкулов Н.Нуримов, А.Баталов, Р.Раҳмонов, О.Ҳасанов, А.Бобоназаров, В.А.Автономов, Ш.Намазов, Р.Юлдашева, И.Амантурдиев ва бошқалар томонидан айрим илмий-тадқиқотлар амалга оширилган.

Бироқ, эколого-географик ва генетик узоқ ўза дурагайлари чигити таркибидаги умумий ва (+)-госсипол миқдорининг ўза касалликларига таъсирини аниқлаш борасида илмий изланишлар олиб борилмаган. Шунинг учун, ўза дурагайларида госсипол шакли ва миқдорларини ўза касалликлари билан генетик боғлиқлигини аниқлаш, дурагай авлодларда касалликларга бардошлиликнинг шаклланиши ва бардошли шаклларни яратишни илмий асослаш ҳамда чигитида (+)-госсипол миқдори юқори ва касалликларга бардошли бўлган янги селекцион ашёларни яратиш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг USDA CRDF Uzb 2-31001-TA-08. «Кавш қайтармайдиган ҳайвонларни боқишда фойдаланиш учун чигитида (+)-госсипол миқдори юқори бўлган ўза навларини яратиш» (2008-2013 йй.) халқаро гранти ҳамда ҚХА 8-119 «Чигитида (+)-госсиполи миқдори ва хўжалик учун қимматли белгиларнинг юқори кўрсаткичларига эга, касаллик ва зараркунандаларга мажмуавий чидамли бўлган ўза навини яратиш» (2012-2014 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади эколого-географик ва генетик узоқ чатиштириш услуги асосида яратилган ўза дурагайлари чигитидаги госсипол шакллари ва миқдорининг *Rhizactonia solani*, *Thielaviopsis basicola*, *Xanthomonas malvacearum* касалликлари билан касалланишига таъсирини ўрганиш асосида

хўжалик учун қимматли белгиларнинг ижобий мажмуасига эга бўлган селекцион ашёларни яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

лаборатория ва дала шароитларида эколого-географик ва генетик узок ғўза дурагайларининг *Rh. solani*, *Th. basicola*, *X. malvacearum* касалликларига бардошлилигини аниқлаш;

эколого-географик ва генетик узок дурагайлашда *Rh. solani*, *Th. basicola*, *X. malvacearum* касалликларига бардошлиликнинг шаклланишини илмий асослаш;

эколого-географик ва генетик узок ғўза дурагайлари чигитидаги умумий ва (+)-госсипол миқдори ҳамда касалликлар билан зарарланишининг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

ғўзада эколого-географик ва генетик узок дурагайлаш услуби асосида *Rh. solani*, *Th. basicola*, *X. malvacearum* касалликларига бардошли ҳамда хўжалик учун қимматли белгиларнинг ижобий мажмуасига эга бўлган бошланғич ашёларни яратиш ва амалий селекция жараёнига тавсия этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўрта толали ғўзанинг маҳаллий С-6524, С-6530, С-6532 навлари ва чигити таркибида юқори миқдордаги (+)-госсипол бўлган ВС₃С₁-47-8-1-17 ва ВС₃С₁-1-6-3-15 АҚШ намуналари ҳамда улар иштирокида олинган эколого-географик ва генетик узок дурагайлардан фойдаланилган. Индикатор сифатида Тошкент-6 ва 9871-И навлари олинди.

Тадқиқотнинг предмети амалий ғўза селекцияси учун чигитида (+)-госсипол миқдори юқори ҳамда *Rh. solani*, *Th. basicola*, *X. malvacearum* касалликларига бардошли бўлган ноёб бошланғич ашёлар, оилалар ва тизмаларни яратишда эколого-географик ва генетик узок дурагайлаш услубларининг самарадорлиги, турли госсипол шакллари ва миқдорларига эга ғўза дурагайларининг ўрганилаётган патогенлар билан касалланиши ўртасидаги боғлиқлиги, дурагай авлодларда касалликларга бардошлиликнинг шаклланиши.

Тадқиқотнинг услублари. Эколого-географик ва генетик узок ғўза дурагайларининг *Rh. solani*, *Th. basicola*, *X. malvacearum* касалликларига бардошлилигини сунъий ва табиий шароитларда аниқлаш (О.Ҳасанов, А.Бобоназаров, 1976; Ю.Н.Фадеева, 1979), фенологик кузатувлар, якка ва намунавий теримлар олиб бориш, генетик, математик ва корреляцион таҳлил услублари (Б.Доспехов, 1985) дан фойдаланилди. Госсипол таҳлили Маркман А.Л., Ржехин В.П. (1965) ва (+)-госсипол миқдорини аниқлаш НРПС приборида Нгop ва бошқалар (1999) услублари асосида амалга оширилди. Толанинг сифат кўрсаткичлари республика «Сифат» марказида замонавий НVI қурилмасида аниқланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор чигитида турли госсипол шакллари ва миқдорлари бўлган ғўза нав-намуналари ҳамда уларнинг иштирокида олинган эколого-географик ва генетик узок дурагайларнинг лаборатория ва дала шароитларида *Rh. solani*, *Th. basicola*, *X. malvacearum* касалликларига бардошлилик даражаси аниқланган;

изланишлар асосида яратилган эколого-географик ва генетик узок ғўза дурагайларида *Rh. solani*, *Th. basicola*, *X. malvacearum* касалликларга бардошлиликнинг шаклланиши илмий асосланган;

эколого-географик ва генетик узоқ ғўза дурагайлари чигитидаги умумий ва (+)-госсипол миқдори ҳамда ўрганилган касалликлар билан зарарланиши орасидаги корреляцион боғлиқликлар аниқланган;

эколого-географик ва генетик узоқ ғўза дурагайлари орасидан чигитида (+)-госсипол миқдори юқори ва касалликларга бардошли оилалар ажратиб олинган ҳамда улар генетик-селекцион тадқиқотларда бошланғич ашё сифатида фойдаланиш учун тавсия этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Эколого-географик ва генетик узоқ ғўза дурагайлари ўрганиш орқали чигитида (+)-госсипол миқдори юқори ҳамда *Rh. solani* касаллигига бардошли О-41/2 ва О-45/2, *Th. basicola* касаллигига бардошли О-43/2, О-42/1, О-45/2 ва О-46/2, *X. malvacearum* касаллигига бардошли О-41/1, О-43/2, О-45/1, О-45/2 ва О-46/2 оилалари ажратиб олиниб, генетик-селекцион тадқиқотларда фойдаланиш учун бошланғич ашё сифатида тавсия этилган;

Дурагайларнинг юқори авлодларидан ажратиб олинган Т-571/80 тизмаси институтнинг катта нав синовиға янги нав сифатида тақдим этилган. Тадқиқотлар асосида яратилган чигитида (+)-госсипол миқдори юқори бўлган С-7301 ғўза нави ДНСнинг худудий шоҳобчаларида синовдан ўтиш билан бир қаторда Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани “Бек кластер” МЧЖ қўшма корхонасида дастлабки элита уруғчилик ишлари амалга оширилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ғўза нав ва намуналарини дурагайлаш ишлари, дала ва лаборатория тажрибаларини замонавий ва классик усулларга мослиги, олинган маълумотларни математик-статистик услубларда қайта ишланганлиги; тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулосаларнинг илмий асосланганлиги, натижаларнинг мутахассислар томонидан тасдиқлаб баҳоланганлиги ва Олий аттестация комиссияси эътироф этган илмий журналларда мақолалар чоп этилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Биринчи маротаба, эколого-географик ва генетик узоқ чаптириш асосида яратилган ғўза дурагайлари чигитидаги госсиполнинг турли шакллари ва миқдорининг *Rh. solani*, *Th. basicola*, *X. malvacearum* касалликларига бардошлиликка таъсири илмий асослаб берилган; чигитдаги умумий ва (+)-госсипол миқдори билан ўрганилган касалликларга бардошлилик белгилари орасидаги боғлиқликлар аниқланган ҳамда касалликларга бардошли бўлган генетик-селекцион ашёларни ажратиб олиш имкониятлари очиқ берилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ғўзада эколого-географик ва генетик узоқ дурагайлаш асосида чигитида турли госсипол шакллари ва миқдорлари бўлган, қора илдиз чириш, илдиз чириш, гоммоз касалликларига бардошли ҳамда хўжалик учун қимматли белгиларининг ижобий мажмуасига эга янги О-41/1, О-41/2, О-43/1, О-43/2, О-42/1, О-42/2, О-45/1, О-45/2, О-46/1, О-46/2, О-46/2, О-46/3 оилалари, Т-571/80 тизмаси ва С-7301 нави яратилганлиги ҳамда дастлабки элита уруғчилик ишлари амалга ошириляётгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Эколого-географик ва генетик узоқ дурагайлаш услуби асосида яратилган дурагайларнинг айрим ғўза касалликларига бардошлилиги умумий ва (+)-госсипол миқдорининг таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

тезпишар, ҳосилдор, тола сифати ва тола чиқими юқори чигити таркибида 90,8 % (+)-госсипол бўлган ҳамда *Rh. solani*, *Th. basicola*, *X. malvacearum* касалликларига бардошли «С-7301» ғўза нави яратилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 17 апрелдаги 02/20-239-сон маълумотномаси). Янги яратилган С-7301 ғўза нави 11 гектар майдонга экилган;

ғўзанинг С-7301 навини ДНСнинг Эллиққалъа, Каттакўрғон, Чиноз, Боёвут ва Пискент шаҳобчаларида синовдан ўтказилиши (Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг 2017 йил 27 ноябрдаги 53/4-109-сон маълумотномаси) натижасида андоза С-6524 навига нисбатан пахта ҳосилдорлиги 1,2-1,7 ц/га, ва тола чиқими 1,5-2,0 % юқори бўлган ҳамда рентабеллик даражаси 20–25 фоизни ташкил этган;

яратилган С-7301 ғўза нави бўйича Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани “Бек кластер” МЧЖ кўшма корхонасида 11 гектар майдонда дастлабки элита уруғчилик ишлари амалга оширилмоқда (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 2 апрелдаги 121-сонли буйруғи). Натижада С-7301 навининг 2019 йил ҳосили учун юқори сифатли элита уруғлари тайёрланиши режалаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий ишлар, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган, шунингдек 1 та монография босмадан чиқарилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ўза ўсимлигида госсипол миқдори ва шакллари, шунингдек илдиз чириш, қора илдиз чириш ва гоммоз касалликларини

ўрганишга бағишланган тадқиқотлар таҳлили» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзусининг мақсад ва вазифалари юзасидан республикамиз ва хорижда олиб борилган илмий-тадқиқотлар шарҳи, хусусан селекцион изланишларда айрим хўжалик учун қимматли белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланиши, ғўза госсиполи ва унинг шаклларини ўрганишга бағишланган изланишлар, *Rh. solani*, *Th. basicola*, *X. malvacearum* касалликлари бўйича олиб борилган генетик-селекцион тадқиқотлар натижалари батафсил таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Тажриба олиб бориш жойи, шароити, тадқиқот манбаи ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида олиб борилган тадқиқотларнинг манбаи ва уларнинг тавсифлари, тадқиқот ўтказиш услублари, тажриба олиб бориш жойи ва шароити, лаборатория ва дала шароитларида изланишларни амалга ошириш борасидаги ишлар, олинган натижаларни таҳлил қилишда қўлланилган статистик услублар каби маълумотлар баён қилинган. Тажрибалар 2009-2015 йиллар мобайнида Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари ИТИнинг «Ўза генетикаси ва цитологияси» лабораториясида олиб борилганлиги келтирилган. Ўза дурагайларининг касалликларга бардошлилиги, математик ва статистик таҳлиллар, умумий ва (+)-госсипол миқдорини аниқлаш ва белгилар ўртасидаги корреляциялар қабул қилинган услублар асосида амалга оширилган.

Диссертациянинг «**Чигитида турли миқдордаги ва шаклдаги госсипол бўлган эколого-географик ва генетик узок дурагайлар чигитининг унувчанлиги ва айрим ғўза касалликларига бардошлилик даражаси**» деб номланган учинчи бобида чигитида турли миқдордаги ва шаклдаги госсиполи бўлган ғўза намуналари ва дурагайларининг унувчанлиги, дурагайларнинг илдиз чириш (*Rh. solani*) касаллигига, қора илдиз чириш (*Th. basicola*) касаллигига ҳамда гоммоз (*X. malvacearum*) касаллигига бардошлилиги натижалари таҳлил қилинган.

Мазкур бобнинг биринчи қисмида АҚШ намуналари ва маҳаллий навларни чапиштириш асосида яратилган эколого-географик ва генетик узок дурагайларнинг чигитида (+)-госсипол миқдорлари паст ва юқори бўлган F₂-F₆ дурагай комбинациялари ўсимликларининг дала ва лаборатория шароитидаги унувчанлигини ота-она шакллари ҳамда индикатор навлар билан таққослаб ўрганиш натижалари таҳлил этилган.

Дурагайлар орасида ижобий натижа BC₃S₁-1-6-3-15 х С-6532 комбинациясида кузатилиб, чигитдаги (+)-госсипол миқдори турлича бўлган ўсимликларнинг ҳам бир-биридан кескин фарқланмаган ҳолда дала шароитидаги унувчанлик даражаси 75-80 % ни ташкил этган. Лаборатория шароитида юқори унувчанликни кўрсатган комбинациялар дала шароитида ҳам юқори даражадаги унувчанликни намоён этган. Ҳар иккала шароитда ҳам унувчанлик ота-она шаклларига боғлиқ равишда шаклланиши кузатилиб, унувчанлик даражаси чигитдаги (+)-госсипол миқдорига боғлиқ бўлмаган ҳолда ирсийланиши аниқланган.

Ушбу бобнинг иккинчи қисмида F₂-F₆ дурагайларининг илдиз чириш (*R. solani*) касаллигига бардошлилиги ота-она шакллари ва индикатор навлар билан

таққослаб дала ва лаборатория шароитларида ўрганилган. Дастлабки авлодларда олинган натижалар кейинги авлодларда ҳам тасдиқланган. Ўтказилган тажрибаларда F₆ дурагайлариининг *R. solani* билан касалланиш даражасини чигитдаги умумий ва (+)-госсипол миқдорларига боғлиқлиги бўйича олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

Лаборатория шароитида F₆ дурагайлариининг таҳлили асосида чигитида умумий госсипол миқдори юқори (4,5 мг/г) бўлган F₆BC₃S₁-1-6-3-15 х С-6524 комбинациясида зарарланган ўсимликлар сони 19,6 % ни ташкил этгани, чигитида нисбатан паст (1,05 мг/г) умумий госсипол бўлган F₆BC₃S₁-47-8-1-17 х С-6532 комбинациясида эса, зарарланган ўсимликларнинг сони юқори (31,1 %) эканлиги аниқланган. Илдиз чириш касаллигига юқори даражадаги бардошлилик F₆BC₃S₁-47-8-1-17 х С-6524 комбинациясида кузатилиб, ушбу дурагай комбинациясига тегишли ўсимликларг 11,7-12,9 % илдиз чириш билан касалланган. Ушбу натижалар назорат навлари ва ота-она шакллари кўрсаткичларига нисбатан паст эканлигини 1-жадвал маълумотлари яхши тасдиқлайди.

Чигитида (+)-госсипол миқдори турлича бўлган дурагай ўсимликларнинг илдиз чириш касаллиги билан зарарланиш даражаси ва (+)-госсиполнинг турлича миқдори ўртасида сезиларли боғлиқлик бўлмасада, айрим (+)-госсиполи юқори бўлган дурагай комбинацияларнинг нисбатан паст зарарланиши аниқланган. Бу эса, чигитдаги (+)-госсипол миқдорининг илдиз чириш касаллиги билан зарарланишга боғлиқ бўлмаган тарзда шаклланишидан далолат беради.

Дала шароитида дурагай комбинацияларнинг юқори авлодлари ўсимликларида чигит таркибидаги (+)-госсипол миқдори турлича бўлишидан қатъий назар илдиз чириш касаллиги билан зарарланиш даражаси нисбатан камайиб борганлиги аниқланганди. Масалан, F₂BC₃S₁-1-6-3-15 х С-6524 комбинацияси ўсимликлари 7,0 % ва ундан юқори зарарланган бўлса, F₆BC₃S₁-1-6-3-15 х С-6524 авлодининг касалланиш кўрсаткичи 4,0 % га пасайганлиги кузатилди. Қолган дурагай комбинацияларда ҳам илдиз чириш касаллиги билан зарарланиш даражаси дастлабки авлодларга нисбатан 1,0-2,0 % пасайганлиги аниқланиб, илдиз чириш касаллиги чигитдаги (+)-госсипол миқдорига боғлиқ бўлмаган ҳолда шаклланиши кузатилди. Олинган натижалар асосида дурагайлариининг дастлабки авлодларида ушбу касалликка бардошли ўсимликларни танлаш бўйича ўтказилган танловнинг самарали бўлиши хулоса қилинди.

Бобнинг учинчи қисмида F₂-F₆ дурагайлариининг дала ва лаборатория шароитида қора илдиз чириш (*Th. basicola*) касаллиги билан касалланиши бўйича олинган натижалар келтирилган. Дастлабки авлодларда олинган натижалар кейинги авлодларда ҳам ўз тасдиғини топганлиги аниқланди. Лаборатория ва дала шароитларида ўтказилган тадқиқотларда F₆ комбинациялари ўсимликларининг *Th. basicola* касаллиги билан касалланиши чигитдаги умумий ва (+)-госсипол миқдорларига таққослаб ўрганиш асосида ушбу дурагайлариининг F₆ авлодда дастлабки авлодлардаги

Ўза нав ва намуналари ҳамда F₆ дурагай ўсимликларининг (*Rh. solani*, *Th. basicola*, *X. tabacaeartum*)

касалликлар билан касалланиши

№	Ота-она шакллар ва дурагай комбинациялар	Ўтмиш тоссинол, м/т	Тоссинол, % (+)	Лаборатория шаронтида касалланиши, %			Дала шаронтида касалланиши, %		
				<i>Rh. solani</i>	<i>Th. basicola</i>	<i>X. tabacaeartum</i>	<i>Rh. solani</i>	<i>Th. basicola</i>	<i>X. tabacaeartum</i>
1	C-6524	1,28	70,0	48,3±1,6	25,5±2,5	11,3±1,5	12,5±2,7	14,0±1,4	14,1±0,4
2	C-6530	3,9	67,1	46,4±1,2	18,1±2,3	8,9±1,0	7,8±2,4	8,6±1,4	10,4±2,0
3	C-6532	1,87	70,9	61,9±1,2	19,7±3,0	10,7±2,3	9,6±0,3	13,6±1,6	15,2±0,1
4	BC ₃ S ₁ -47-8-1-17	1,54	93,0	29,9±0,6	20,2±6,1	9,0±3,4	10,3±1,5	12,1±3,2	12,9±0,4
5	BC ₃ S ₁ -1-6-3-15	1,79	94,5	29,3±2,5	18,0±3,9	7,6±1,3	7,1±1,3	9,7±1,6	11,4±1,0
Паст (+)-госсиполли F ₆ дурагайлари (<70,0%)									
1	F ₆ BC ₃ S ₁ -47-8-1-17 x C-6524	1,54	61,0	12,9±1,1	31,1±4,4	10,4±0,4	6,9±0,3	9,8±2,8	9,4±0,3
2	F ₆ BC ₃ S ₁ -1-6-3-15 x C-6524	4,5	64,1	19,6±2,8	22,5±5,0	9,4±1,0	4,2±0,4	7,5±0,9	8,1±1,0
3	F ₆ BC ₃ S ₁ -47-8-1-17 x C-6530	2,65	63,0	30,9±1,5	19,4±0,2	6,8±1,7	5,2±0,5	6,2±1,5	8,1±1,0
4	F ₆ BC ₃ S ₁ -1-6-3-15 x C-6530	1,64	65,5	27,5±3,0	18,9±1,4	8,0±1,2	9,5±1,3	5,9±1,6	7,9±0,7
5	F ₆ BC ₃ S ₁ -47-8-1-17 x C-6532	1,92	61,4	22,1±2,6	28,3±0,8	9,9±3,1	9,4±0,9	7,3±1,5	6,7±1,3
6	F ₆ BC ₃ S ₁ -1-6-3-15 x C-6532	1,56	62,0	22,4±3,6	31,1±4,2	9,4±2,1	8,1±0,1	7,3±2,4	7,4±1,8
Юкори (+)-госсиполли F ₆ дурагайлари (>90,1%)									
7	F ₆ BC ₃ S ₁ -47-8-1-17 x C-6524	2,26	91,1	11,7±1,9	26,5±2,0	6,1±0,4	5,8±2,3	8,3±1,4	6,9±1,2
8	F ₆ BC ₃ S ₁ -1-6-3-15 x C-6524	1,50	91,8	27,1±1,8	22,0±1,2	5,5±1,0	4,0±1,5	6,6±0,7	6,6±1,0
9	F ₆ BC ₃ S ₁ -47-8-1-17 x C-6530	2,32	91,8	22,0±2,7	17,1±2,8	2,7±2,3	6,7±2,1	6,7±0,2	5,7±1,2
10	F ₆ BC ₃ S ₁ -1-6-3-15 x C-6530	3,04	90,0	28,9±3,8	12,6±3,6	4,9±1,9	8,7±0,7	5,4±1,8	4,9±1,4
11	F ₆ BC ₃ S ₁ -47-8-1-17 x C-6532	1,05	90,8	31,1±4,1	24,0±2,0	7,6±0,8	8,8±1,2	7,1±0,4	4,0±1,9
12	F ₆ BC ₃ S ₁ -1-6-3-15 x C-6532	1,60	91,0	10,9±1,8	25,4±2,3	5,3±0,2	7,8±1,7	6,9±0,8	5,7±1,8
13	Тошкент-6 (инд)	1,1	55,0	42,4±3,1	34,3±1,8	15,2±2,5	10,9±0,5	11,9±1,9	18,1±0,4
14	9871-И (инд)	1,78	56,0	62,9±2,4	29,0±2,4	9,1±0,6	10,5±0,3	17,2±1,9	20,4±2,0
ЭКФ _{0,5} =				2,64	3,59	1,69	1,49	1,87	1,55

қонуният сақланиб қолган бўлсада, қора илдиз чириш касаллиги билан зарарланиш даражаси янада пасайганлиги кузатилди. Ушбу авлодда $F_6BC_3S_1-1-6-3-15$ х $C-6530$ комбинацияси ўсимликларининг дастлабки авлодлари каби нисбатан кам зарарланиши, яъни (+)-госсипол миқдори паст ўсимликларнинг 18,9 % ва (+)-госсиполи миқдори юқори бўлганлари эса, 12,6 % зарарланганлиги аниқланди. Олинган маълумотлар чигитдаги (+)-госсипол миқдорининг юқори бўлиши натижасида касалликка бардошлилик нисбатан ошишини тасдиқлади. Оналик шакли сифатида олинган $BC_3S_1-1-6-3-15$ АҚШ намунаси ва унинг иштирокида олинган дурагай комбинацияларда ҳам касалланиш даражаси нисбатан паст бўлиши кузатилди. Умуман олганда чигитдаги (+)-госсипол миқдорининг юқори ёки паст бўлиши қора илдиз чириш касаллигига бардошлиликка қисман таъсир этиши, яъни чигит таркибида (+)-госсипол миқдори юқори бўлганда, зарарланиш даражасининг пасайиши аниқланди.

Юқоридагига ўхшаш қонуният дала шароитида ҳам кузатилди. Яъни, $F_6BC_3S_1-1-6-3-15$ х $C-6530$ комбинациясининг чигити таркибида (+)-госсипол миқдори паст ва юқори оилалари ўсимликларининг зарарланиш даражаси тегишли равишда 5,9 % ва 5,4 % ни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич индикатор 9871-И навининг зарарланишига нисбатан 11,2-11,8 %, Тошкент-6 навидан эса, 5,9-6,5 % ҳамда F_2 авлоди ўсимликларига нисбатан 2,0-3,0 % га паст эканлиги аниқланди. Дурагайларнинг касалланиш кўрсаткичлари бошланғич шаклларниқига нисбатан сезиларли юқорилиги, нисбатан толерант шаклларни ўзаро дурагайлаш орқали қора илдиз чириш касаллигига бардошлиликни ошириш мумкинлигидан далолат беради. Ушбу дурагай комбинациясидан мазкур касалликка толерант бўлган оилаларнинг ажралиб чиқиш фоизи юқори бўлганини таъкидлаш зарур.

Бобнинг тўртинчи қисмида F_2-F_6 дурагайларининг дала ва лаборатория шароитида гоммоз (*X. malvacearum*) билан касалланиш натижалари келтирилган. Олинган маълумотлар дастлабки авлодларда ўтказилган тажрибалардан олинган натижаларга яқин кўрсаткичлар юқори авлодларда ҳам сақланиб қолганлигини кўрсатди. Яъни, чигити таркибида умумий госсипол миқдори юқори бўлган аксарият F_6 дурагайларининг лаборатория шароитида *X. malvacearum* касаллиги билан касалланиш кўрсаткичлари дастлабки авлодларда кузатилгани каби паст бўлганлиги аниқланди. Олинган ижобий натижаларни дурагай авлодларда бардошли бўлган ўсимликларни узлуксиз равишда танлов ишлари олиб борилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Тадқиқотлар асосида дурагай ўсимликлар чигитидаги (+)-госсипол миқдорини юқори даражага олиб чиқиш орқали гоммоз касаллигига бардошлиликни ошириш мумкинлиги тасдиқланди. Бироқ, $BC_3S_1-47-8-1-17$ х $C-6532$ ва $BC_3S_1-47-8-1-17$ х $C-6524$ комбинациялари дастлабки авлодлардаги каби F_6 авлодда ҳам гоммоз касаллиги билан зарарланиш даражаси нисбатан юқори бўлгани яъни, зарарланиш даражаси тегишли равишда (+)-госсипол миқдори паст ўсимликларда 9,9 % ва 10,4 % ҳамда (+)-госсипол миқдори юқори ўсимликларда 7,6 % ва 6,1 % ни ташкил этганини таъкидлаш лозим.

Дала шароитида гоммоз касаллигининг кузги шаклида барг гоммози, барг томирларидаги доғлилик, поя гоммози ва кўсак гоммози аниқ намоён бўлади ва уларни тўлиқ баҳолаш имконияти пайдо бўлади. Шунинг учун, тадқиқотларимизда гоммоз касаллиги билан ўсимлик органларининг умумий зарарланиш даражаси дала шароитида таҳлил этилди. Дурагайларнинг F₆ авлодида чигитида (+)-госсипол миқдори паст бўлган комбинациялар орасида энг юқори (9,4 %) зарарланиш F₆BC₃S₁-47-8-1-17 х С-6524 комбинациясида ва чигити таркибидаги (+)-госсипол миқдори юқори F₆BC₃S₁-1-6-3-15 х С-6530 комбинацияси ўсимликларида энг паст (4,0 %) зарарланиш кузатилди. Ушбу авлодда юқори даражада касалликка бардошли бўлган бир қатор янги ғўза оилалари кейинги селекция жараёни учун ажратиб олинди.

Гоммоз касаллиги билан зарарланиш даражаси бўйича лаборатория ҳамда дала шароитидаги баҳорги ва кузги зарарланиш даражаси юзасидан кузатилган қонуният бир-бирини тасдиқлади. Яъни, чигитдаги госсипол миқдорининг турлича бўлиши касалланиш даражасига таъсир этганлиги, масалан, чигитдаги (+)-госсипол миқдори нисбатан юқори бўлиши, касалликка бардошлиликнинг ошишига хизмат қилиши аниқланди. Олинган натижалар асосида (+)-госсипол миқдори турлича бўлган АҚШ ва маҳаллий нав-намуналарини дурагайлаш орқали чигитдаги (+)-госсипол миқдори юқори ва касалликка бардошли бўлган шакллари ажратиб олиш мумкинлиги хулоса қилинди.

Диссертациянинг «**Чигитдаги умумий ва (+)-госсипол миқдори билан касалликлар орасидаги корреляцион боғлиқликлар**» деб номланган тўртинчи бобда F₂ ва F₅ дурагайларининг чигитидаги умумий ва (+)-госсипол миқдорлари билан касалликлар (*Rh. solani*, *Th. basicola*, *X. malvacearum*) орасидаги корреляцион боғлиқликлар таҳлиллари келтирилган. Таъкидлаганимиздек, чигит таркибидаги умумий ва (+)-госсипол миқдорларини ушбу касалликлар билан касалланиши ўртасидаги боғлиқликлар ўрганилмаган.

Юқоридагиларни назарда тутган ҳолда, тадқиқотларимизда чигитида турли миқдордаги умумий ва (+)-госсиполга эга айрим эколого-географик ва генетик узок F₅ дурагайларининг *Rh. solani*, *Th. basicola*, *X. malvacearum* билан касалланиши орасидаги боғлиқликлар таҳлил қилинди (2-жадвал).

Rh. solani касаллиги бўйича нисбатан паст зарарланишни қайд этган BC₃S₁-1-6-3-15 х С-6530 комбинациясининг келиб чиқишида иштирок этган ота-она шакллариининг (+)-госсипол миқдори ва *Rh. solani* касаллиги орасидаги корреляция даражаси салбий эканлиги аниқланди. Чигитидаги (+)-госсипол миқдори паст 3 та комбинация, яъни F₅BC₃S₁-47-8-1-17 х С-6530 (r=-0,14), F₅BC₃S₁-47-8-1-17 х С-6532 (r=-0,19) ва F₅BC₃S₁-1-6-3-15 х С-6532 (r=-0,06) ўсимликларида салбий кучсиз корреляция кузатилди. Олинган натижалар (+)-госсипол миқдори юқори бўлган F₅BC₃S₁-47-8-1-17 х С-6532 дурагай комбинацияси ўсимликларидан ташқари барча дурагайларда ҳам кучсиз салбий боғлиқликлар мавжудлигини кўрсатди. Бу эса, чигитдаги (+)-госсиполнинг юқори бўлиши ушбу касалликка бардошлиликка таъсир этмаслигидан далолат беради.

Чигитида паст ва юқори (+)-госсипол бўлган F₅ комбинациялари ўсимликларининг *Th. basicola* билан касалланиш даражаси орасидаги корреляция коэффицентлари нисбатан кучсиз ва аксарият дурагай комбинацияларда салбий бўлганлигини кўрсатди. Чигитдаги паст (+)-госсипол миқдори ва қора илдиз чириш касаллиги ўртасида F₅BC₃S₁-47-8-1-17 х С-6532 ва F₅BC₃S₁-1-6-3-15 х С-6532 комбинацияларида ижобий кучсиз (тегишли равишда, r=0,12 ва r=0,11) корреляция, қолган барча дурагайларда эса, салбий кучсиз корреляция намоён бўлди. Чигитдаги (+)-госсипол миқдори юқори бўлган F₅BC₃S₁-47-8-1-17 х С-6524 ва F₅BC₃S₁-1-6-3-15 х С-6532 комбинацияларидан ташқари барча дурагай комбинацияларда кучсиз салбий корреляция ҳолати кузатилди. Чигитдаги (+)-госсипол миқдори ва қора илдиз чириш касаллиги орасидаги боғлиқликларни ўрганиш борасида олинган натижалар асосида, ушбу белгилар ўртасида кучсиз боғлиқликлар мавжудлигини кўрсатди.

2-жадвал

Ғўза нав-намуналари ва F₅ ўсимликлари чигити таркибидаги умумий ва (+)-госсипол миқдорлари ҳамда касалликлар *Rh. solani*, *Th. basicola*, *X. malvacearum* билан касалланиш орасидаги корреляцион боғлиқликлар

№	Нав-намуналар ва F ₅ комбинациялар	(+)-госсипол миқдори, %	Умумий госсипол миқдори, мг/г	(+)-госсипол билан			Умумий госсипол билан		
				<i>Rh. solani</i>	<i>Th. basicola</i>	<i>X. malvacearum</i>	<i>Rh. solani</i>	<i>Th. basicola</i>	<i>X. malvacearum</i>
Ота-она									
1	С-6524	70,3	1,05	0,26	-0,16	0,10	-0,20	-0,24	-0,17
2	С-6530	77,0	1,08	-0,30	0,02	-0,38	-0,28	-0,37	-0,36
3	С-6532	75,0	1,78	0,22	-0,32	0,04	-0,51	-0,42	-0,65
4	BC ₃ S ₁ -47-8-1-17	93,3	1,20	0,11	-0,03	-0,36	-0,43	-0,34	-0,35
5	BC ₃ S ₁ -1-6-3-15	93,3	1,06	-0,19	-0,06	-0,18	-0,22	-0,19	-0,19
Паст (+)-госсиполли F ₅ дурагайлар (< 70,0%)									
6	F ₅ BC ₃ S ₁ -47-8-1-17 х С-6524	65,6	1,32	0,08	-0,32	-0,16	-0,32	-0,31	-0,35
7	F ₅ BC ₃ S ₁ -47-8-1-17 х С-6530	61,9	1,54	-0,14	-0,23	-0,36	-0,42	-0,51	-0,54
8	F ₅ BC ₃ S ₁ -47-8-1-17 х С-6532	65,6	2,11	-0,19	0,12	-0,05	-0,66	-0,62	-0,63
9	F ₅ BC ₃ S ₁ -1-6-3-15 х С-6524	66,7	1,24	0,25	-0,12	0,14	0,18	-0,13	0,22
10	F ₅ BC ₃ S ₁ -1-6-3-15 х С-6530	65,2	1,35	0,11	-0,22	-0,41	-0,46	-0,28	-0,39
11	F ₅ BC ₃ S ₁ -1-6-3-15 х С-6532	68,5	1,42	-0,06	0,11	0,31	-0,58	-0,52	-0,51
Юқори (+)-госсиполли F ₅ дурагайлар (> 90,1%)									
12	F ₅ BC ₃ S ₁ -47-8-1-17 х С-6524	91,2	1,20	-0,02	0,05	-0,56	0,23	0,32	-0,30
13	F ₅ BC ₃ S ₁ -47-8-1-17 х С-6530	92,1	1,35	-0,02	-0,29	-0,39	-0,26	-0,40	-0,46
14	F ₅ BC ₃ S ₁ -47-8-1-17 х С-6532	91,4	1,79	0,09	-0,09	0,33	-0,61	-0,64	-0,52
15	F ₅ BC ₃ S ₁ -1-6-3-15 х С-6524	92,4	1,45	-0,25	-0,09	0,02	-0,43	-0,40	-0,44
16	F ₅ BC ₃ S ₁ -1-6-3-15 х С-6530	93,1	1,23	-0,07	-0,02	-0,33	-0,32	0,29	0,28
17	F ₅ BC ₃ S ₁ -1-6-3-15 х С-6532	92,3	1,64	-0,10	0,18	-0,29	-0,69	-0,52	-0,53

Бу эса, ғўза чигитидаги (+)-госсипол миқдорини ошириш қора илдиз чириш касаллиги билан зарарланишига таъсир этмайди деб хулоса қилишимизга асос бўлиши мумкин.

Чигит таркибидаги умумий госсипол миқдорининг *Rh. solani*, *Th. basicola*, *X. malvacearum* касалликлари билан зарарланиши орасидаги боғлиқликлар ҳам ўрганилди.

Дурагайларнинг F_5 ўсимликлари чигитидаги умумий госсипол миқдори ва *Rh. solani* ўртасидаги корреляцион боғлиқликларни ўрганиш натижалари бошланғич АҚШ намуналарида белгилар ўртасидаги боғлиқликлар салбий эканлигини, яъни чигитдаги умумий госсипол миқдорининг юқори бўлиши илдиз чириш кам касалланишига олиб келишини кўрсатди. Масалан, $BC_3S_1-47-8-1-17$ намунасида ўртача салбий ($r=-0,43$), $BC_3S_1-1-6-3-15$ намунасида эса, кучсиз салбий ($r=-0,22$) корреляцион боғлиқлик мавжудлиги кузатилди. Маҳаллий ғўза навларида корреляция коэффицентлари кучсиз ва ўртача салбий бўлди.

